

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЁШЛАРГА ТАРБИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Г.Ю.Алламбергенова – профессор

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: халқ, эпос, ижро, бахши, оғзаки ижод, миллий, қадрият, адабиёт, шоир, ўқувчи, ёшлар, маънавий, ахлоқий, фазилат, миллий маданият, эстетик, тарбия, куй, санъат, устоз-шогирд, халқ кўшиғи, маком.

Ключевые слова: народ, эпос, исполнение, бакши, устное творчество, национальный, ценностный, литература, поэт, читатель, духовность, добродетель, национальная культура, эстетика, воспитание, мелодия, искусство, мастер-ученик, народная частушка, маком.

Key words: people, epic, performance, bakshi, oral creativity, national, value, literature, poet, reader, spirituality, virtue, national culture, aesthetics, education, melody, art, master student, folk ditty, makom.

Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади. Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, эпос ижрочилари одатда «бахши» ёки «шоир» деб номланган. Шу жумладан Хоразмда асосан, «бахши» атамаси кенг қўлланилади. Демакки, қозоқ тилидаги «бахши», қирғизча «бахши» шаман, табиб маъносида, туркман тилидаги «бахши» кўшиқчи, мусиқачи деган маъноларни англатади [2.85]. Туркманларда «шиғир» деган атама мавжуд, лекин унинг «бахши»дан фарқи ёдлаб олган кўшиқ куйлардагина ижро этиб қолмасдан, бир томонидан ўзи ҳам шеър тўқийди (тоқпе шоир, шу захоти кўшиқ тўқиб кетадиган шоир). Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланишида қадриятлар типологиясидан фойдаланиш ўқувчи ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади. Қадриятлар яхлит миллий тарихий тажриба, ишлаб чиқаришдаги ўзига хосликлар, миллий маданият, географик шарт-шароитлар, халқаро вазият асосида юзага келувчи миллий характер хусусиятлари; анъаналар, урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди, халқ амалий санъати наъмуналари, обидалар, ёдгорликлар; таълимий анъаналар (таълим мазмуни, шакл, метод ва воситалари); оилавий анъаналар ва муносабатлардаги ўзига хосликлар; халқ хунармандчилиги; миллий бадий тасвирий санъат, мусиқа, театр, киноматография, поэтик ижод; диний қараш ва эътиқоддаги ўзига хослик

каби ранг-барангликка эга. Қадриятлар типологиясида қорақалпоқ халқ шоир ва бахшилари томонидан яратилган халқ куйлари ва кўшиқлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш жоиз. Масалан: Кунхўжа унинг «Кунхўжа», «Ел менен» Ажиниёз шоир унинг «Боз атаў» куйи, Жанабай Қаратай ўғли унинг «Аксунгул», «Айхан қиз» кўшиқлари, шунингдек Аҳимбет бахши ва унинг шогирдлари тарафидан яратилган халқ куйлари «Қизлар уйге кир», «Бейиш», «Илғал», «Яғли баҳар», «Алақайис», «Аруўхан», «Жети асирим», «Қошим палўан», «Жаман шиғанақ», «Нар ийдирген», «Санали келди», «Илме Султан», «Кўр қиз», «Салтиқ», «Дем бермес», «Лай-лай», «Суў серпер», «Ғуббатдийин», «Адиңнан», «Қара жорға», «Хожа бала», «Бес перде», «Мухаллес», «Тарлан», «Муўса сен яри», «Муўса намаси» «Не пайда», «Жеке басли», «Сен яр қал энди», «Жаман шиғанақ», «Яша пари», «Демир донлы», «Ғулпак» кўшиқлари миллий санъатимиз орқали ёшлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим тарбия манбаи саналади. Бизнингча, Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланиши ва ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бахшилар томонидан яратилаётган куйнинг матни, мазмуни педагогик хусусиятларини ҳам назарда тутмоқ зарур. Жумладан; Суйеў бахши йўлига «Ола қайиш», «Ешбай», «Кўр қиз», «Азизим», «Гелалайлим», «Қошим полвон», «Хошаддес» куйларини, Муўса бахши йўлига «Муўса сен ёри», «Сен ёр қол энди», «Сен ёр гедали», «Адиңнан», «Санали гелди», «Беглар», «Бормикан», «Мухаллес», «Якка бошли», «Ғубаддин» ва Г. Тилеумуратовдан ўрганган «Лай-лай», «Қизлар уйга кир»

шунингдек, «Арухон», «Беш парда», «Не фойда», «Кенесли тон», «Нолиш», «Калта нолиш», «Хўжа боғмон», «Дағлари», «Саудигим», «Нойларман», «Ғулпақ», «Ёмон чиғанақ», «Илғол» ва бошқа эллиқдан ортиқ халқ куйлари инсон маънавий эҳтиёжларининг ифодаси эканлиги, иккинчидан, эстетик завқ ва хузур орқали инсон маънавий баркамоллигини таъминлашини таъкидлаш керак. Қорақалпоқ бахшичилик санъати намуналарини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ижро этиш ўқувчиларнинг нафақат репертуарини бойитади, балки уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини барқарорлаштиради, дунёқарашини кенгайтиради ва эстетик тарбиясининг такомиллашишига ёрдам беради. Шунингдек, «Устоз-шогирд» муносабатларини изчил давом эттиришга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, миллий ижрочилик санъатида, шу жумладан бахшичиликда асрдан асрга устоз билан шогирд ўртасидаги ўзаро муносабатнинг изчиллик, давомийлик кодекси шаклланган ва бу ўз навбатида, бахшичилик соҳасида шогирд тайёрлашда, ижро маҳорати билан боғлиқ анъаналарнинг узвийлигида ўзига хос қонуният сифатида ўрнашиб улгурган ва ўзига хос бетакрор фалсафа яратган. Шунинг учун, илоҳий иқтидорга, чидам ва ўз устида тинимсиз ишлашга интилган ҳар бир бахши бунга илоҳий нарса сифатида бўйсунган. Бизнинг назаримизда, бу фалсафа шаклланиб, тараққий этиб, ўз мактабини ташкил этганлиги боис, миллий қадриятларга ҳурмат ҳозирги кунга қадар сайқалланиб, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий, эстетик фазилатларни тарбиялашда муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда. «Қорақалпоқ шоирларидан Жийен Жиров, Кунхожа, Ажинияз, Бердақ, Отеш, Омар ва ҳоказолар ҳам халқ суйган шоир бўлган ва ўз шеърларини куйга солиб бахшичилик билан шуғулланган. Масалан «Кунхожа» шеърини Кунхўжа шоир ўзи яратиб ўзи ижро этган.

Шунингдек «Бозатаў» шеърини Ажинияз яратган ва ўзи ижро этган. Қаратай ўғли Жангабай палвон «Ақсунгул» шеърини ўзи яратиб, ўзи кўшиқ қилиб куйлаган. Бу куйлар бугунги кунда ҳам бахшилар томонидан фаол ижро этилиб келинмоқда». Қорақалпоқ халқ кўшиқлари ва мақомларининг муҳим таркибий унсури уларнинг оҳанг усули бўлиб, улардан мусиқа дарсларида кенг фойдаланиш, ўқувчиларни ижодий-ижрочилик фаолиятига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, албатта, ўқувчиларни ёши ҳисобга олиниши, шунга кўра мақом ва халқ кўшиқларининг энг содда усуллари асосида танлаб олиниши керак. Маданий меросга тўғри ёндашиш, ундан унумли фойдаланиш кўп йиллар мобайнида эътибордан четда эди, ўқув юртларида ўргатилмас, фан сифатида қаралмас эди. Бу масалага республикамизда эътибор кучайди. Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Қорақалпоқ бахшичилик санъати орқали ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга доир тажриба-синов жараёнида уларда янгидан-янги маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлишини кузатдик. Бу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилиш эса ўқувчида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилиш, изланишни қарор топтиради. Бу ҳаракат боланинг ўқувчилик даврида яққол кўзга ташланади. Психологлар тадқиқотларида эҳтиёжлар хилма-хил бўлиб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларига боғлиқ ҳолда келиб чиқиши таъкидланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3990-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро бахшичилик санъат фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи” Қорақалпоғистон тонги гаезтаси 2019 йил 11-апрель №15-16 (1336-1337).
2. Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана.-Сб. вопросы изучения эпоса Народов .-М., 1958.с-69.// Сабурова А.А Қарақалпақ тилиндеги музыка терминлери. Автореф.дисс.канд.филол.наук.-Нөкис, 2008. – 43 б.

3. Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори.

4. Моянов Ы. Қорақалпоқ халқ муסיқаси асосида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг хусусиятлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дис. – Тошкент, 2019. – 153 б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада бахшичилик санъати шу билан бирга Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланиши ва қорақалпоқ халқ шоир ва бахшилари томонидан яратилган халқ куйлари ва кўшиқлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини ва ўзбек миллий мақом санъати, ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В этой статье рассказывается о развитии искусства бахшики в Каракалпакстане и важном образовательном значении народных песен и песнопений, созданных каракалпакскими народными поэтами и бахши, а также узбекского национального статусного искусства, международной конвенции статусного искусства, проводимой каждые два года, а также Международного фестиваля искусства бахшики.

SUMMARY. This article describes the development of Bakhshiki art in Karakalpakstan and the important educational significance of folk songs and chants created by Karakalpak folk poets and Bakhshi, as well as the Uzbek national status art, the international Status Art Convention held every two years, as well as the International Bakhshiki Art Festival.

DIRIJYORLIQ KÓRKEM ÓNERINIŇ TÚRLERI HÁM EVOLYUCIYASI

R.Allambergenov - assistent oqıtıwshı

Ózbekstan mámleketlik mádeniyat hám kórkem óner instituti Nókis filiali

Tayanch soʻzlar: musiqa, fortepiano, madaniyat, sanʼat, musiqa asari, dirijyor, konsertmeister.

Ключевые слова: музыка, фортепиано, культура, искусство, музыкальное произведения, дирижёр, концертмейстер.

Key words: music, piano, cultura, art, musical work, accompanist.

Bul kórkem óner uzaq tariyxqa iye. Dirijorlıq ónerin atqara baslağannan berli olarda ritm hám pátke ámel qılıw zárúrligi payda bolğan. Baslaması xalıqlardıń oyın hám qosıqlarında ritmdi shappatlaw menen birge, dúbirletip yamasa dombıra shertip urıp turğan. Áyyemgi Greciyada xor basshıları bolıp, olar ayaqların dúbirletip, ritm belgilep bergen.

Rim qosıq mektep xorın basqarıp turıw ushın belgili bir qol háreketlerinen paydalanğan. Dirijyorlıqtıń usı aytıp ótilgen eki usılı orkestr basqarıwına tiykar salğan, birgeliktegi anıq atqarıwshılıqtı jolğa qoyıw ushın dirijyor takttı ayağı menen urıp, tayaqsha menen pult yamasa poldı taqıldatıp tağı sonıń menen birge, gernay etip oralğan nota dápteri penen pulttı urıp kórsetip turadı. Qullası, takttı ayaq menen urıp kórsetiw uzaq waqıt dawam etti. Nemis kompozitori, ataqlı ustazlardan biri Matteson (1731-jil) tómendegishe pikirler aytıp ótken «Ayırım atqarıwshılar taktlardı ayaq penen urıp kórsetiw haqqında unamlı pikir beriwleri tań qalarlı, sebebi olardıń baslarınan kóre ayaqta

ritm berip sanap otırıwları qolaylı dep esaplağan bolıwı múmkin. Sol sebepli ayaqqa boysınğan».



Dirijyorlıq tayaqshası bolsa col waqıtta túrli uzınlıqta jasaytuğın edi. Geyde onıń uzınlığı 180 cmge jetedi hám ol «Dirijyorlıq jezli – tayaqshası» dep júritiledi, onı jerge urıp, takt belgilenedi. Opera teatrında, koncert zalında, shirkewde polğa urılğan soqqı urıw dawısı qanshelli úlken shawqım shıǵarıwın oyda